

**“ТАСДИҚЛАНГАН”**  
**“ASIA ALLIANCE BANK” АТБ**  
**Кенгаши қарори билан**  
**2016 йил “18” январдаги**  
**К-1/2-сонли Баённома**

**“ASIA ALLIANCE BANK” Акциядорлик тижорат банкининг**  
**Аудиторлик қўмитаси тўғрисидаги**  
**НИЗОМ**

Мазкур Низом Ўзбекистон Республикасининг “Ўзбекистон Республикаси Марказий банки тўғрисида” ва “Банклар ва банк фаолияти тўғрисида”ги қонунларига, Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг Адлия вазирлиги томонидан 2004 йил 20 апрелда 992-1-сон билан рўйхатдан ўтказилган “Марказий банкнинг тижорат банклари ички аудитига талаблари тўғрисида”ги Низомига, шунингдек Ўзбекистон Республикаси ҳудудида банк фаолиятини тартибга солувчи бошқа амалдаги қонун ҳужжатлари ва Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг меъёрий ҳужжатларига мувофиқ ишлаб чиқилган.

**I. Умумий қоидалар**

1.1. Аудиторлик қўмитаси “ASIA ALLIANCE BANK” Акциядорлик тижорат банки (кейинги ўринларда – “Банк”) Кенгашининг қарори бўйича ташкил этилади ва мазкур Низомга мувофиқ тузилади.

1.2. Мазкур Низом Банк Аудиторлик қўмитасининг ҳуқуқий мақомини, миқдорий таркибини, ҳуқуқий ваколатларини ва унинг фаолиятини қатъий белгилайди.

1.3. Аудиторлик қўмитасининг асосий мақсади – Банк томонидан ўтказиладиган операцияларнинг тегишлича ишончлилиқ даражасини таъминлаш ва банк фаолияти таваккалчиликларини минималлаштириш устидан назорат орқали Банк акциядорлари ва омонатчилари манфаатларини ҳимоя қилишдан иборат.

**II. Аудиторлик қўмитаси таркиби**

2.1. Аудиторлик қўмитаси Банк Кенгаши аъзоларидан 3 киши таркибида тузилади. Аудиторлик қўмитасининг Раиси ва аъзолари Банк Раиси тавсияси бўйича Банк Кенгаши томонидан тасдиқланади.

2.2. Банк Кенгаши томонидан тайинланган Банк Ички аудит бошқармаси бошлиғи Аудиторлик қўмитасининг Котиби ҳисобланади.

2.3. Аудиторлик қўмитаси таркибига Бошқарув аъзолари ва Банкнинг бошқа раҳбарлари кириши мумкин эмас. Аудиторлик қўмитаси таркибига кирувчи Кенгаш аъзолари Кенгашнинг Банк фаолияти учун жавобгар бошқа қўмиталари аъзолари томонидан тайинланмаслиги керак.

2.4. Аудиторлик қўмитаси аъзолари ўртасидаги функциялар тақсимланиши Аудиторлик қўмитаси Раиси томонидан амалга оширилади.

**III. Аудиторлик қўмитасининг асосий вазифалари**

3.1. Аудиторлик қўмитасининг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат:  
- ички аудит функцияси амалга оширилишининг мустақиллиги ва холислиги (объективлиги)ни таъминлаш;

- Банк ички аудит хизмати – Ички аудит бошқармаси (қуйида матн бўйича – “Бошқарма”)ни ўзаро мувофиқлаштириш ва самарадорли фаолиятини таъминлаш;
  - ҳар бир ички аудит якунлари бўйича тақдим қилинадиган Бошқарма ҳисоботларини ўрганиш;
  - Бошқарманинг йилнинг ҳар чораги ҳисоботларини мунтазам равишда ўрганиш ва уларни Банк Кенгашига тақдим қилиш;
  - мустақил аудиторлар номзодларини Банк Кенгашига кўриб чиқиш учун тақдим қилиш;
  - Банк Кенгашига ички аудиторлар учун техник вазифалар ишлаб чиқишда ёрдам кўрсатиш;
  - ташқи аудиторлар ҳисоботларини, шу жумладан раҳбариятга йўлланган хатларни кўриб чиқиш ва уларни Банк Кенгашига тақдим қилиш;
  - Банк Бошқарув Раиси билан биргаликда Бошқарма ва ташқи аудиторлар тавсияларини реализация қилиш жараёнини бошқариш бўйича ишларни ўзаро мувофиқлаштириш;
  - Банк фаолияти стратегиясини тузишда иштирок қилиш;
  - ички аудитни амалга ошириш йўналишлари ва тартиботларини белгилаш;
  - Банк фаолиятининг барча йўналишлари бўйича ички назорат тартиботлари мавжудлиги таъминланишида ёрдам кўрсатиш.
- 3.2. Аудиторлик қўмитаси Бошқарма фаолияти устидан қуйидагиларни таъминлаш юзасидан назоратни амалга оширади:
- Банк активлари яхлитлиги ва Банкни эҳтимолий зарарлардан ҳимоя қилиш;
  - Банк фаолиятининг Банк ички сиёсатига, Низомлари ва тартиботларига мувофиқлиги;
  - Банк ички сиёсати, шунингдек асосий тартиботлар ва жараёнлар Банкнинг фирибгарлик ёки хатоликлар натижасидаги мавжуд хавфлардан ҳимояланиши таъминланаётганлигига ишонч ҳосил қилиш учун уларни ўз вақтида қайта кўриб чиқиш.

#### **IV. Аудиторлик қўмитасининг ваколатлари**

- 4.1. Аудиторлик қўмитаси ўз ишида ва қарорлар қабул қилишда ташқи (мустақил) аудит натижалари ва Бошқарма материалларидан фойдаланади. Зарур ҳолларда, Аудиторлик қўмитаси дастлабки бухгалтерия, молия ва бошқа ҳужжатларга мурожаат қилиши мумкин.
- 4.2. Аудиторлик қўмитаси ўз ваколатлари доирасида қуйидаги ҳуқуқларга эга:
- Банкнинг бошқарув органлари ва мансабдор шахсларидан ўз фаолияти учун керакли барча ҳужжатларни ва материалларни талаб қилиш;
  - агар Банкка жиддий моддий зарар етказилишига олиб келган ёки етказилишига олиб келиши мумкин бўлган қоида бузилишлар аниқланса, Банк Бошқарув йиғилиши чақирилишини талаб қилиш;
  - Банкнинг таркибий бўлинмалари ходимлари, шу жумладан раҳбарларидан кўриб чиқилаётган масалалар бўйича изоҳлар талаб қилиш;
  - айбдор ходимларни интизомий, мулкӣ ва бошқа турдаги жавобгарликка тортиш масалаларини Банк раҳбариятига кўриб чиқиш учун тақдим қилиш;
  - Банк Кенгашининг қарори бўйича Аудиторлик қўмитасидаги фаолият учун муайян иш ҳақи олиш.

#### **V. Аудиторлик қўмитаси аъзоларининг жавобгарлиги**

- 5.1. Аудиторлик қўмитаси аъзолари ўз вазифаларини тегишлича бажармаганлик учун Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларига ва Банк Уставига мувофиқ жавобгар бўладилар.

5.2. Қўмита йиғилишида овоз беришда қатнашмаган ёки Банкка зарарлар етказилишига олиб келган қарорларга қарши овоз берган Аудиторлик қўмитаси аъзолари жавобгарликдан озод қилинадилар.

## **VI. Аудиторлик қўмитасининг йиғилиши**

6.1. Аудиторлик қўмитаси йилнинг ҳар чорак, ярим йиллик ва йиллик йиғилишларини ўтказиши мумкин.

6.2. Аудиторлик қўмитаси аъзолари муайян масаланинг кечиктирилмай ҳал этилишини талаб қиладиган ҳолатда бузилишлар аниқланган тақдирда Қўмитанинг шошилинч йиғилиши чақирилишини талаб қилишлари мумкин.

6.3. Аудиторлик қўмитаси йиғилишида унинг аъзоларининг энг камида 2/3 қисми иштирок қилса йиғилиш ваколатли ҳисобланади, бунда Раиснинг иштирок этиши шарт. Қарор оддий кўпчилик овоз билан қабул қилинади.

6.4. Аудиторлик қўмитаси қарори Аудиторлик қўмитаси йиғилишининг баённомаси билан расмийлаштирилади. Ушбу баённома Қўмита котиби томонидан юритилади ва унинг овоз беришда қатнашган аъзолари томонидан имзоланади.

6.5. Аудиторлик қўмитасининг ҳар бир аъзоси битта овозга эга бўлади. Овозлар тенг келган тақдирда, Раиснинг овози ҳал қилувчи ҳисобланади. Аудиторлик қўмитасининг қарорига розилик билдирмаган Қўмита аъзоси ўзининг мажбурий тартибда йиғилиш баённомасига илова қилинадиган алоҳида фикрини қайд этиб қўйиш ва уни Банк Кенгаши эътиборига ҳавола қилиш ҳуқуқига эга.

6.6. Аудиторлик қўмитаси Раиси қуйидагиларни амалга оширади:

- Аудиторлик қўмитаси ишини ташкиллаштиради;

- Аудиторлик қўмитаси йиғилишларини чақиради ва уларда раислик қилади;

- Банк қонун ҳужжатлари ва мазкур Низомда назарда тутилган бошқа ҳаракатларни амалга оширади.

6.7. Аудиторлик қўмитаси Котиби қуйидагиларни амалга оширади:

- Аудиторлик қўмитаси йиғилишлари баённомаларини юритади ва расмийлаштиради;

- Аудиторлик қўмитаси томонидан кўриб чиқиши учун кун тартибидаги масалалар бўйича материалларни тайёрлайди ва тақдим қилади;

- Аудиторлик қўмитасининг қарорларини, хулосаларини ва баённомаларини олувчиларгача етказиши.

## **VII. Яқуний ҳолатлар**

7.1. Мазкур Низом Банк Кенгаши томонидан тасдиқланган кундан кейинги кундан бошлаб қонуний кучга киради.

7.2. Банкнинг Аудиторлик қўмитаси тўғрисидаги Низомининг янги таҳрири тасдиқланиши муносабати билан Банк Кенгашининг 2011 йил 17 мартдаги К-8-сонли баённомаси билан тасдиқланган “ASIA ALLIANCE BANK” Хусусий очик акциядорлик-тижорат банки (ХОАТБ) Аудиторлик қўмитаси тўғрисидаги Низоми” ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.